O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 9 май, № 90 (4243) Чоршанба

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

Инсон — ҳаёт гултожи. Унинг қадри, ҳурмати ҳар доим эъзозга лойиқ. Айниқса, ўтганларни хотирлаш, азиз отахону онахонларнинг дуосини олмоқлик саодати ўзгача. Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида шарафланмоқда. Бу эса мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, уруш қатнашчиларининг қадр-қимматига қўйилган меҳр ҳайкалидир. Зеро, инсон азиз экан, уни муносиб эъзозламоқ йўлидаги бугунгидек саъй-ҳаракатлар ҳам эзгуликка хизмат қилади.

Мамлакатимизда умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига зўр ҳозирлик билан киришилди. Ушбу сананинг кенг нишонланишини таъминлаш давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, халқимиз бахт-саодати ва мустақиллиги учун жонини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир ногирон эъзозланиб, уларга юксак иззат-икром кўрсатилмоқда.

ЎзА мухбирининг Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин БОҚИБОЕВ билан суҳбати ҳам ана шу мавзуда бўлди.

ҲАЁТИМИЗ ФАЙЗИ ВА КЎРКИСИЗ

— Инсон хотираси муқаддас. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалдаги ифодасидир, — деди Э.Боқибоев. — Саккиз йилдирки, ушбу кун мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Ташкилотимиз тизимида ушбу санага бу йил ҳам пухта ҳозирлик кўриш мақсадида зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уни изчил амалга оширишга киришилди. Бунда бизга давлатимиз раҳбарининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда. Фармонда ташкилотимиз зиммасига байрам муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юкланган.

Жамғармамиз томонидан тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида турли учрашувлар ва кечалар ўтказиш йўлга қўйилган.

Байрам арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари ва ногиронлари, фронтда ҳалок бўлган жангчилар оилалари ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар давом этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2,8 миллион пенсионер, шу жумладан, 18 минг нафардан зиёд Иккинчи жаҳон

(Давоми 2-бетда).

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган ҳамкорликдаги акцияси

1999 йилдан бошлаб 9 май Юртбошимиз ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад Иккинчи жаҳон урушида жон фидо этган жангчилар, ҳозир сафларимизда юриб, эзгу маслаҳатлари билан ҳаётимизга файз киритаётган фахрийларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишдир.

Мамлакатимиз Президенти томонидан жорий йил 28 апрелда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди. Унда халқимизнинг ўтганларни хотирлаш, юрт ва эл равнақи учун муносиб хизмат қилган кексаларни ардоқлашдек анъана ҳамда қадриятлари ўз аксини топган.

Байрам арафасида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ижодкорлари ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг айрим вилоятларида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган акция уюштиришди.

Бир қўлда қурол, бир қўлда қалам

Назармат Эгамназаров (Назармат) — мамлакатимизнинг кекса журналист-шоирларидан бири. Иккинчи жаҳон уруши сўронли даврларининг бевосита иштирокчиси бўлган отахон бу йил ўзининг табаррук 90 ёшини нишонлайди. Шу сабабли, устозни биринчилардан бўлиб табриклашга қарор қилдик.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Н. Эгамназаров яшайдиган "Илғор" маҳалласига таҳририятимиз ходимлари Александр Аристов, Ирина Серых, маҳалла фаоллари Аҳмаджон Зокиров, Назира Иноятова, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова, "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими раиси ўринбосари Умида Йўлдошева ҳамроҳлигида кириб бордик.

Назармат ота хонадонидамиз. Қўлимизда отахонга аталган турли совға-саломлар, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари рамзи туширилган кийим-кечак ва ён дафтарча. Шинамгина ҳовли эшигида бизни устоз журналист қизи ва не-

(Давоми 2-бетда).

Мулоқот

Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида бугунги озод, обод, фаровон кунларимиз учун кўксини қалқон қилган, кейинчалик эл-юрт маъмурчилигига бутун онгли ҳаётини бахш этган азиз отахонлар ва мунис оналар жамиятимизнинг олтин бисоти ҳисобланади.

Қадамингизда гул унсин!

Хотира ва қадрлаш куни арафасида қорақалпоғистонлик бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари ўлканинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар. Энг аввало, улар мустақил мамлакатимизнинг навқирон шаҳарчаси — Элбодга бориб, кимё саноатининг улкан гиганти — Кўнғирот сода заводи билан танишдилар. Тошкент кимётехнология институтининг шу ердаги филиалида ўтказилган учрашувда оқсоқоллар Ватан учун курашнинг қизғин дамлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларига хос бўлган меҳру саховат туйғуси уруш йилларида минглаб бағрикенг оилалар мисолида ўз аксини топган, оккупация қилинган жойлардан келган жабрдийда болалар юзлаб оилаларнинг нон-тузидан бахраманд бўлиб ўсган эди. Бугун айрим меҳру муруввата муҳтож норасидалар меҳр ардоғида. Отахонлар Хўжайлидаги 1-«Меҳрибонлик уйи»да бўлганларида буни ўз кўзлари билан кўрдилар, бир юз эллик тўққиз ўғил-қизга ҳар томонлама шарт-шароит яратиб берган Президентимизга миннатдорлик сўзларини айтдилар.

Фахрийлар гуруҳи қадимий ва навқирон Элликқалъа заминига ҳам ташриф буюрдилар. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, олимлар, мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган азиз инсонлардан иборат бу гуруҳ Отажон Худойшукуров номидаги санъат коллежи ўқувчилари билан учрашдилар, Бўстон шаҳридаги янги иншоотлар билан танишдилар.

Учрашувларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов иштирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро кўргазма-савдо

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ФЕРМЕРЛАРГА

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Uzbekistan AGROMINITECH EXPO-2007" иккинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси иш бошлади. Унда Германия, Венгрия, Япония, Бельгия, Австрия, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Малайзия, Эрон, Ҳиндистон, Исроил, Украина каби давлатларнинг 200га яқин компания ва фирмалари ўз маҳсулотлари намуналари ҳамда хизмат турлари билан иштирок этмоқда.

Хабарингиз бор, дастлабки шундай кўргазма мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва раҳнолигида ўтган йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган эди. Эътиборлиси, ўша кўргазма-савдода юртимиздаги ишлаб чиқариш субъектларининг салкам 14 минг нафар вакиллари қатнашиб, умумий миқдори қарийб 198 миллиард сўмлик шартнома ва келишувларни имзолаган эди.

Мамлакатимизда бугунги кунда 207 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, собиқ 219 та ширкат хўжалиги негизида 40 мингга яқин мева-сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳам ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, навбатдаги кўргазма-савдодан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам деҳқон, фермер хўжаликлари, агрофирмаларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган хорижнинг илғор мини технологиялари ва ускуналарини таклиф этиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Дарҳақиқат, кўргазма павильонларидан дунёда етакчи деб тан олинган фирма ва компанияларнинг энг сўнгги русумдаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, боғдорчилик ва узумчилик тармоғи учун ускуна ва жиҳозлар, гўшт, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш, ветеринария, қорақўлчилик, ун, омухта ем, ёрма ишлаб чиқариш, қорақўлчилик, терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжалиги, қишлоқ хўжалиги учун мини техникалар, трактор ва комбайнлар, экин зараркунандаларига қарши дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар жой олган. Муҳими, тадбирнинг биринчи куниёқ, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида маҳсулот олди-сотдиси бўйича қизғин музокаралар бошланди.

Биз кўргазма-савдо давомида унинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашдик.

Аброр ИСАЕВ, Шаҳрисабз туманидаги "Маъруф ўғли Жавоҳир" фермер хўжалиги раҳбари:

— 70 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштирамиз, — дея гап бошлади у. — Бу каби йирик кўргазма-савдода биринчи бор қатнашаяпман. Унинг ташкилотчиларига раҳмат! Комбайн ва сомонни тойловчи ускуна сотиб олмоқчиман. Маҳсулот намуналари кўплигидан ҳозирча бир тўхтамга келганимча йўқ. Лекин бундай қулай имкониятни ҳам қўлдан чиқармоқчи эмасман.

Руслан ГУЦАЛ, Украинадаги "Барск машинасозлик заводи" очиқ акциядорлик жамияти менежери:

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ўринда туради. Бироқ аввалларида уларни қайта ишлашга унчалик эътибор берилмасди. Кўргазма-савдода қишлоқ хўжалиги соҳасининг 5 та тармоғига оид 38 турдаги маҳсулотларимиз намуналари ва хизмат турларимиз билан иштирок этаяпмиз. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қандолатчилик ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна ва жиҳозларимизга талабгор кўплигидан хурсандмиз. Ўйлайманки, мамлакатингиз фермерлари билан узоқ ва тенг манфаатли ҳамкорлик ришталарини ўрнатамиз.

Кўргазма доирасида иштирокчилар учун етакчи фирма ва компанияларнинг мини технология ва ихчам ускуналари тақдимотлари ҳам бўлиб ўтади. Шунингдек, асосий истеъмолчилар — фермер хўжаликлари раҳбарларига банк-молия мутахассислари, божхона хизмати ходимлари, лизинг компаниялари ва халқаро молия институти вакиллари томонидан маслаҳат хизмати ҳам кўрсатилади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўргазма-савдодан лавҳалар.
Темур ҚУРБОНБОЕВ, Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Хорижлик корейс бизнесменлари уюшмалари умумжаҳон федерацияси раиси, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати Ким Дог Рёнгнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 8 май куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН—КОРЕЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-ФОРУМИ

■ Унда ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралар, қатор компания ва концернлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 600 миллион АҚШ долларидан ошди, 2007 йилнинг январь-март ойларида эса бу кўрсаткич 151,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Жанубий Корея Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан деб билади, — деди Ким Дог Рёнг. — Бугунги учрашувдан мақсад савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

Анжуманда Жанубий Кореянинг олтмишга яқин йирик компаниясидан юздан зиёд вакил иштирок этди. Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлашди.

Форумда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни, энергетика ва минерал ресурслар, электротехника ҳамда енгил саноат соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, Жанубий Корея компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.



«Спорт экспресс» (Россия) газетаси мутахассислари профессионал бокс бўйича апрель ойида ўтган мусобақалар якунларини таҳлил қилиб, ўтган ойдаги энг муҳим воқеалар ва энг яхши жанглар ҳамда боксчилар номини эълон қилди.

ОЛАМШУМУЛ ҒАЛАБАНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Жорий йилнинг 14 апрель куни Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтган жангда россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратиб, профессионал бокснинг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини қўлга киритган ҳамюртимиз Руслан Чагаев «Ойнинг энг яхши боксчиси» деб эътироф этилди.

Шунингдек, Руслан Чагаевнинг Николай Валуевга қарши жанги газета мутахассислари томонидан «Апрель ойининг энг муҳим жанглари» номинацияси бўйича ҳам энг аҳамиятли ўн учрашув қаторига киритилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Энг яхши фан ўқитувчиси

Наманган шаҳридаги 58-ихтисослашган мактабда бошланғич синф ва тарих фанлари бўйича «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Белгиланган шартларни аъло даражада уддалаган Наманган шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим муаллимаси Марғуба Миржалилова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» деган шарафли номга сазовор бўлди. Тарих фани бўйича ғолиблик Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Юлдуз Йўлдошевага насиб этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

Бугун қалблардаги хотиротлар, таассуротлар тилга киради. Кексалару ёшлар, эркагу аёллар сўзлайди. Уларни тинглаймиз.

БАҒРИМДАСАН, КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Ҳайдар МЕЛИЕВ, ўқитувчи (Шаҳрисабз тумани):

— Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, таълим тизимига, мактабга эътибор қаратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Бундай ғамхўрликни теран англаш, ўғил-қизлар қалбида она-Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни беқиёс. Фикримча, ўқитувчи ҳар бир дарс чоғида фақат тинчлик бор юртдагина эзгу ишлар бўлишини тушунтириб бориши керак...

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мактабимизга уруш кўрган отахонларни чорладик. Фронт ва фронт ортида жабр чекканлар билан учрашув ёшларимизда катта таассурот қолдирди. Отахонларнинг гапларини эшитгач, ўқувчиларимизнинг бахсу мунозараларига гувоҳ бўлиб, бир нарсадан қаттиқ таъсирландим. У ҳам бўлса, ўқувчиларимиз бундан кейин урушда қатнашганлар ҳолидан ҳар куни хабар олишга келишиб олдилар. Бу эса қадр тушунчасининг кўнгилларга кўчаётганидан дарақдир.

Абдурахмон ҚАРЧИҒАЕВ, меҳнат фахрийси (Хатирчи тумани Кориз қишлоғи):

— Бир ёмонни кўрмасдан яхшининг қадрига етмайсан, деган нақл бор. Не бир кунларни кўрмадик, не бир кулфатларни бошимиздан ўтказмадик. Оналаримиз, момоларимиз то сўнгги нафасларига қадар урушни лаънатлаб ўтдилар. Ўша йиллари бир бурда нон қадрли эди. Табиийки, оч одамнинг қулоғига қуй-қўшиқдан кўра капгирнинг жаранги кўпроқ ёқарди. Бу гапларга ҳозирги ёшлар ишонишмайди, худди эртакдай туюлади уларга. Илойим, абадул-абадга эртак бўлиб қолсин.

Бугунги мустақиллик кунларининг ҳар бир дақиқаси мен учун ниҳоятда қадрли. Далаларда буғдойимиз гуркураб ўсмоқда, ғўзаларнинг авжи жойида. Мана шундай кунларимизга кўз тегмасин, бизни эъзозлаганларнинг, илоё, бошлари омон бўлсин...

Исомиддин ЭРБЎТАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси:

— Хотира ҳамиша уйғоқ ва муқаддас. Хотира майдонига тез-тез зиёратга келиб, урушдан қайтмаган юртдошларимиз ва улар олдидаги қарздорлигимиз ҳақида ўйлайман. Ўз асарларида урушнинг халқимиз бошига солган кулфатини тасвирлаган рассом дўстим Самиғ Абдуллаевни хотирлайман. Бугун юртимизда ҳукмрон бўлган тинчлик ва эркинлик, миллатлараро тотувлик, барқарорлик — бари қийинчилик, меҳнату машаққатлар эвазига қўлга киритилганлигини асло унутмаслигимиз керак. Тарихий хотира — халқимизнинг тарихий илдизи. У бизга маънавий сабоқ беради, аждодларимиз ким эканини эслатиб туради.

Мухторжон АБДУРАШИДОВ, ТДИУ доценти:

— Мустақиллик йилларидан эътиборан хотира биз учун ор-номус, виждон иши ва маънавий бурчга айланиб бормоқда. Шунингдек, сафларимизда туриб, Ватан обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган кишилар ҳурмати ҳам жойига қўйилмоқда. Бундай ғамхўрлик ва меҳрибонлик инсон имкониятларидан тўла фойдаланиш, унинг қилган меҳнати, ақл-заковатига қараб нафақат моддий, балки маънавий баҳо ва рағбат беришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида одамлар дунёқараши, ғурур, орият, номус туйғулари, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгарди. Улар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

Сабоҳат ая АҲМЕДОВА, меҳнат фахрийси (Косонсой тумани):

— Мазза қилиб ўйнаб юрган невараларим, эвараларимга қарасам, болалигим эсимга тушиб кетади. Афсус, бизнинг бегубор йилларимиз айни уруш даврига тўғри келди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўша йилларда оналаримиз фронтда юрган оталаримиз учун бор кучларини бериб ишлашарди. Ҳали оқу қорани танимаган бўлсак-да, биз ҳам қараб турмасдик. Қўлимиздан келганича уларга ёрдам беришга ўринардик. Рости, уруш нималигини яхши тушунмасдик ўшанда. Лекин баъзан катталарнинг ҳали у қишлоқда, ҳали бу қишлоқда кимдир фронтда жон берибди, деган гапларини эшитиб қолардиг-у, бунинг қандайдир офат эканини англардик. Кейинчалик, ақлимизни таниганимизда, ҳаммасини тушундик.

Гарчи болалигим уруш йилларига тўғри келган бўлса-да, қарилик гаштини мустақиллик даврида сураётганим учун Яратганга беадад шукур қиламан. Илоҳим, юртимиз тинч, фарзандларимиз бахтли бўлсин. Дунёда ҳеч қачон уруш бўлмасин.

Ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо биз учун ҳам фарз,

ҲАЁТИМИЗ ФАЙЗИ ВА КЎРКИСИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

уруши қатнашчиси ва ногирони, 227 минг нафардан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийси, 30 мингдан зиёд ўзгалар ёрдамига муҳтож қария, 2,6 минг нафар 100 ва ундан юқори ёшдаги кекса истиқомат қилади.

— **2007 йилнинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилиниши бундай табаррук кексаларимизга бўлган эътиборнинг янада кучайишида муҳим омил бўлмоқда.**

— Албатта. Президентимизнинг шу йил 23 январда қабул қилинган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори уруш қатнашчилари ва ногиронларига моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятимизни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Қарорда юртимизда ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини кучайтиришга йўналтирилган устувор вазифалар қаторида фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш дек долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш учун 390 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Унинг асосий қисми кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга йўналтирилади.

"Нуроний" жамғармаси томонидан кексаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида уруш ва меҳнат фахрийларига 70 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз кексалар, уруш иштирокчилари ва ногиронлари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, ҳалок бўлган жангчилар оилаларига уй-жой-коммунал хизматлари учун жами 6169,8 миллион сўм компенсация тўловлари давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож ногиронларнинг минг нафардан зиёди ногиронлар аравачаси, 400 нафари эшитиш мосламалари билан таъминланди. Бундай тадбирларга 221,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳудудий дастурларга биноан, 255 нафар ёлғиз кексанинг уй-жойи таъмирланди. Бу ишларга 30,6 миллион сўмлик ҳомийлар маблағи жалб қилинди. Давлат дастури доирасида 13,8 минг нафар кам таъминланган ва кўп болали оилага 5,5 миллиард сўмликдан зиёд қорамол тарқатилди, 3,4 мингта кам таъминланган оилага Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2,9 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Ногиронлар учун қарийб бир минг 500 иш ўрни барпо этилди. Ҳомийлар маблағи ҳисобидан 26 минг нафар ёлғиз фуқарога ва 121 минг нафар кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу кунларда кекса авлод вакилларининг соғлиғини мустаҳкамлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Минглаб уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронлари юртимиздаги санаторийларда ўз соғлигини мустаҳкамламоқда. Жамғарма вилоят бўлимларининг тавсиясига биноан, «Нуроний» шифохонаси қошидаги республика Геронтология марказида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган кекса авлод вакиллари даволашнинг янги геронтологик усулидан фойдаланган ҳолда даволанди.

Жамғармамиз ҳудудий бўлимларининг саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида республикамиз вилоятларида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар аъзоларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Урганч, Хива каби тарихий шаҳарларимизга, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Абдухолиқ Ғиждувоний, ат-Термизий номлари билан боғлиқ қадамжоларга саёҳатлари ва зиёратлари ҳам уюштирилди.

Бундай хайрли тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар, Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ташкил этилмоқда.

— **Фахрийларимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳа, кекса авлод вакиллари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштироки билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар. Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган деярли барча тадбирлар фахрийларимизнинг фаол иштирокида ўтмоқда. Улар ўзининг меҳнатсеварлиги, фидойилиги ва ташкилотчилиги билан ёшларга намуна бўлмоқдалар. Жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлинмалари фаоллари жойлардаги бунёдкорлик ишларида, мавжуд ёдгорликларни, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод-лаштиришга бош-қош бўлаётирлар. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Арғамчисой қишлоғида истиқомат қилувчи 92 ёшли Шаҳарой момо Холиёрова Бештом қишлоғида жойлашган 63-умумий ўрта таълим мактаби биноси ёнида бешта қўшимча синфхона қуриш учун фарзандлари билан бирга 4,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёшларни она-Ватанга, буюк истиқлол ғояларига садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашда нуроний отахон ва онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси ва билими жуда қўл келмоқда. Айниқса, нуронийлар юртимиз фуқароларини армия сафига хизматга тайёрлаш, йиғин пунктларида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш ҳамда ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган йигитларни жойларда қутиб олиш муносабати билан ўтказилаётган маросимларда фаол иштирок этмоқдалар.

Бу эзгу ишлар Юртбошимизнинг «Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган ушбу муўтабар зотларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ савоб ишлардандир» деган сўзларига жуда ҳамоҳангдир.

ЎзА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ суҳбатлашди.

Ўшанда тўрт-беш ёшда бўлсам керак. Бобом кўчадан кириб келиши заҳоти югуриб бориб қучоғига отилардим. Мени қўлларида кўтариб, "асал болам, новвот болам" дея эркаларди. Бобомнинг тиззасига бошимни қўйиб ётиш ёқарди менга. Ана шунда бобом менга эртаклар, бошидан ўтган воқеаларни айтиб берарди.

Бобомларга ўхшасам, дейман

Бобожоним урушга бориб, жанг қилгани ҳақида сўзларди. Урушнинг оқибатлари, ундан талофот кўрган оилалар тўғрисида хўрсиниб-хўрсиниб гапиргани кечагидек ёдимда. "Уруш пайти қачон тинчлик бўларкан-у, бу жанг-жадалларнинг охири қачон тугар экан, дея кутардик. Сизларга у кунларни ҳеч қачон раво кўрмайман, болам. Тинчликнинг нақадар муқаддас эканлигини билинглар. Унинг қадрига етинглар. Ҳали кўрасан, бироз улғайгин, шу тинчлик сенга, тенгдошларингга жуда кўп ютуқларни беради. Болажоним, энг кераги, яхши ўқигин, ақли бўлгин, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатгин" деганди бобом. Мана, ҳозир ўн саккизга киряпман. Бобом айтган сўзлар мағзини энди-энди чақаётгандекман.

Ўзим — Сурхондарёнинг тоғли Бойсуниданман. Оилада тўрт фарзандмиз. Мактабни битирганимдан кейин хорижий тилларни ўрганишга аҳд қилдим. Бу қизиқиш мени Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейга етаклади.

Муҳташам ўқув юртларида таҳсил олаётган биз, ёшларнинг мақсад ва вазифаларимиз аниқ: Ватанга, оилага муносиб фарзанд бўлиб етишиш. Орзуим — келажакда ҳуқуқшунос бўлиш. Инсонларга яхшилик қилишдир. Тенгдошларимни ўз ҳуқуқларини билишларига ундаш. Боиси, ҳуқуқини билган инсоннинг йўли доим очиқ бўлади.

Юртимиз тарихида беқиёс ўрин тутган буюк аждодларимизнинг мардлик ва жасоратларига тенгдошларим қатори мен ҳам ҳавас қиламан. Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган боболаримга муносиб набира бўлиб етишсам, дейман.

Санжар ЭСОНОВ, академик лицей ўқувчиси.

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

вараси билан кутиб турган экан. У кишининг ёшларга хос шижоати, қаддини тик тутиб туришини кўриб, ҳечам 90 ёшга кирган, деб ўйламайсиз.

Аҳмаджон Зокировнинг таъкидлашича, Назармат ота маҳалланинг энг азиз кишиларидан ҳисобланади. У ўша ердаги мактабга тез-тез ташриф буюриб туради, ёшларнинг энг яқин маслаҳатдошига айланган.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Доимо ўтаётган дориломон кунларимизга шукрона қилиб яшайман, — дейди отахон. — Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Самарқанд Давлат университетини битириб, дипломни эндигина қўлга олиш арафасида эдим. Шундан сўнг Тошкентга эвакуация қилинган Харьков химия билим юртида ўқидим. Туладаги заҳира полкида хизмат қилдим. Беларусь ерларидаги, Польшанинг Люблин, Варшава, Гданьск шаҳарларидаги жангларда қатнашдим...

Дарвоқе, Назармат ота қаерда бўлмасин, қўлидан қалам ва ён дафтарчасини ташламади. Ўша пайтларда ўзбек тилида чоп этилган "Фронт ҳақиқати" газетасида ҳарбий-мухбир бўлиб ишлади. Ўзбекистонлик мард ўғлонлар ҳақида туркум мақолалар, очерклар, шеърлар ёзди...

Назармат ота урушдан сўнг узоқ йиллар вақтли матбуотда фаолият кўрсатди. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг адабиёт ва санъат бўлимида ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ишлаб нафақага чиқди. Отахон ҳозир ҳам ижоддан тўхтагани йўқ. Ватанни, истиқлолни мадҳ этувчи асарлар ёзиб турибди. У "Эл-юрт ҳурмати" ордени, "Жасорат" медали билан тақдирланган.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Фахрийлар эъзозланди

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Навоий вилоятида ҳам қатор тадбирлар уюштирилди. Навоий шаҳрида уруш фахрийларига байрам дастурхони ёзилди. Шаҳар ҳокими ўринбосари Дилбар Давлатова, "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Нуриддин Арзиев ва Навоий шаҳар алоқа бўлими бошлиғи Голиб Назаровлар фахрийларга Президент Фармонида белгиланган пул мукофотларини топширдилар.

— Машъум уруш тугаганига 62 йилдан ошди,— дейди уруш фахрийси Барот Баракаев. — Ҳар тонг у кунлар асло такрорланмасин деб, дуо қиламан. Биз каби кексаларни эъзозлаб, ҳурмат кўрсатаётган Президентимизга, ҳукуматимизга рахмат. Мустақил юртимиз кундан-кунга ривожланиб, обод ва кўркам бўлиб бормоқда.

Учқудуқ шаҳрида уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмиллалчи жангчилар учун Навоий кон-металлургия комбинати байрам дастурхони тузади. Меҳнат фахрийлари ва байналмиллалчи жангчиларга Фармонда белгиланган рағбатдан ташқари, ҳомийлар томонидан ҳам совғалар ва пул мукофотлари топширилди. Бу акцияни уюштиришда Шимолий руда кони бошқармаси бош-қош бўлди. Иштирокчиларга совғаларни Биринчи бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сергей Гольман, Шимолий руда кони бошқармаси Маънавият ва тарғибот маркази бошлиғи Санталат Ниёзметовалар топширишди.

Уруш қатнашчилари Пётр Топчиев ва Николай Нарзиевлар фахрийлар номидан Президентимизга, ҳукуматимизга ва НТКМК раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этдилар.

Сизга таъзим, сизга офарин

Намангандаги "Ал-Машриқ" ресторани ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини шарафлаш маросими бўлиб ўтмоқда. Тадбирда 300 нафардан зиёд фахрийлар иштирок этишаяпти. Президентимизнинг Фармонига биноан, Наманган вилояти бўйича 1140 нафар фахрий 50 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

1941-1945 йилларда 79 минг наманганлик Иккинчи жаҳон урушида қатнашган эди. Уларнинг 24 минг нафари жанг майдонларида ҳалок бўлди, 15 минг нафари эса дом-дараксиз йўқолганлиги ҳақида уларнинг оилаларига хабар қилинди. Умуман, урушда киминидир йўқотмаган ўзбек оиласи йўқ ҳисоби.

— Урушнинг оти ўчсин, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Абдукарим Жалилов. — Кўплаб наманганликлар жанг майдонларида ҳалок бўлдилар. Абдусаттор Раҳимов, Соли Адашев, Набижон Мингбоев, Борис Ивановский, Ғани Валиев, Файзулла Йўлдошев каби юртдошларимиз эса ўз оилалари, Ўзбекистонимиз учун фашизмга қарши жангга кирдилар. Кўплаб аёллар уруш ортида фидокорона меҳнат қилдилар. Улар ўз меҳнатлари билан ғалаба онларини яқинлаштирдилар.

Пул мукофотлари ҳамда совғалар топширилгач тадбир қатнашчилари дастурхон атрофида жам бўлдилар.

— Бундай тантанали тадбирлар вилоятимизнинг барча туманларида бўлиб ўтаяпти, — дейди вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Илҳомжон Раҳматов. — Фахрийларни рағбатлантириш учун 57 миллион сўм маблағ ажратилган. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари вакиллари, ҳомийлар байрамга кела олмаганларнинг уйига бориб, уларни муборакбод этдилар.

— Бизни улуғлаб, шунчалик ғамхўрлик кўрсатишаётганидан жуда миннатдорман, — дейди уруш фахрийси Виктор Худяков. — Бизнинг сафимиз йил сайин сийраклашиб бораяпти. Вақт ўтаверади. Аммо қаҳрамонлар хотираси абадий. Эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга раҳмат.

Ҳеч ким четда қолмади

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига биноан, урушда иштирок этган саксон икки киши 50 минг сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланди. Уларнинг энг кичиги саксон ёшдан ошгани ҳисобга олиниб, Нукус шаҳар ҳокимлиги оқсоқолларни бир жойга йиғмасдан, уйларига бориб табриклашга қарор қилди. Бунинг учун ҳар бир фахрийга шаҳар корхона ва ташкилотлари, жамоат фондлари ва ҳокимият ходимлари бириктирилди.

Махсус мухбиримиз "Нуроний" жамғармаси Нукус бўлими раиси Искандар Шагилов ва ҳокимликнинг масъул ходими Рашид Полвонов билан бирга Амет Дўстназаров ҳузурида бўлди. Бу мўътабар инсон урушнинг бошидан охиригача жанг қилган. Мардлик ҳамда жасорати учун бир неча бор тақдирланган. Тинчлик даврида халқ хўжалигининг турли соҳаларида баракали меҳнат қилди.

Тўкин дастурхон атрофида Искандар Шагилов ва Рашид Полвонов фахрийга пул мукофоти ҳамда совғалар ҳадя этдилар. Отахонга узоқ умр ва соғлиқ-омонлик тилашди.

— Юртбошимизга катта раҳмат, — деди Амет Дўстназаров. — У киши биз, фахрийларни ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар. Давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги, иззат ва ҳурматда эканлигимиздан бошимиз осмонга етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Фарҳод МИРЗАЕВ, Пўлат ҲАМДАМОВ, Вячеслав НОВИЦКИЙ.
Тошкент —Навоий —Учқудуқ— Наманган—Нукус.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатимизда 18 мингдан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилади. Президентимизнинг 28 апрелдаги Фармонига асосан, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уларнинг ҳар бирига 50 минг сўмдан бир марталик пул мукофоти берилди.

Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобиль АЭСи ҳалокатини бартараф этишда қатнашганларни табриклашда кўплаб жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари, мулк шакли турлича бўлган корхоналар, ишбилармонлар ҳам фаол иштирок этди. Фахрийларга 900 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди, уй-рўзғор буюмлари ва эсдалик совғалари топширилди. Кўплаб қишлоқ туманларида уруш фахрийлари соғин сигирли бўлишди.

Қашқадарё вилоятида 155670 нафар уруш ва меҳнат фахрийси яшайди. Республика «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими уларнинг оилавий аҳволи, даромади ва иқтисодий имкониятларини атрофлича ўрганиб чиқиб, 43331 кишини йил давомида қўллаб-қувватлашни мақсадга мувофиқ, деб топди.

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Ижтимоий ҳимоя йилининг биринчи чорагида 19387 кишига ҳомийлар ҳисобидан нақд пул, омонат дафтарчаси, озиқ-овқат ва чорва моли бериш, коммунал тўловларни узиш йўли билан 1 миллиард 185 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу рақамлар «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг Қарши шаҳрида бўлган кўчма мажлисида тилга олинди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган вакиллар иштирок этди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ!

Уруш бошланган кунларда аскарлик бурчимни тугатаётган эдим. Уйга қайтиш ўрнига жанг майдонига отландим.

Ҳар куни ўлим билан юзма-юз туриш осонми? Қаҳратон совуқда, ёғинсочинли очиқ далада, бомба, ўқ ёмғири остида жангга киришнинг ўзи бўладими? Одамнинг жони тошдан экан, дейман. Шундай дейман-у, жанг майдонида қолиб кетган сафдошларим, навқирон йигит ёшида дунёдан кўзи очиқ кетган дўстларимни хотирлайман. Урушдан қайтганлари ҳам майиб-мажруҳ бўлиб қолишди. Урушнинг юзи қурсин, оқибати ўлим ва вайронагарчиликдан бошқа нарса эмас.

Бугунги дориломон кунлардан минг айланиб-ўргилсак ҳам кам. Тинчлик ва осойишталик кўнгилни яшартирар экан.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, тўй-ҳашамларимиз ҳам тинчликнинг орқасидан. Бизнинг Қарши шаҳримизда кейинги икки-уч йилда қилинган ишларни кўриб, кўзимиз қувонади. Ҳаммаси мустақиллик туфайли. Илгари бунчалик қурилиш, ободончиликни тасаввур ҳам қила олмас эдик. Худога шукур, шу кунларни кўриш насиб этди. Мен уруш ҳақида кўп кино кўрганман. Лекин уларнинг бирортасида уруш даҳшати тўлалигича акс этган эмас. Урушни бизлар кўрдик, болаларимиз асло кўрмасин.

Аминманки, ҳукуматимиз ҳимоясида, фарзандлари, набиралари ардоғида яшаётган ҳар бир уруш қатнашчиси тилида ҳам ушбу тилак бот-бот такрорланиб туради.

Файзулла НАБИЕВ. Қашқадарё вилояти.

Келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлаш ҳам қарз бўлмоғи лозим



Халқимизга хос хислатлар ҳақида гап кетса, албатта, қадр-қиммат, меҳр-оқибат каби фазилатлар тилга олинади. Бу бежиз эмас. Зеро, кексаларни ардоқлаш, кўмакка муҳтожларнинг ҳурматини жойига қўйиш қонқонимизга сингиб кетган. Бинобарин, мамлакатимизда бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган. Боқувчисини йўқотган, қаровсиз қолган кексалар доимий эътиборда. Буни юртимиздаги мавжуд "Саховат", "Қариялар уйи"да яшаётганларга ғамхўрликдан ҳам билса бўлади.

ЭЗГУ ДУО ИЖОБАТИ

Ана шундай жойлардан бири — Андижон шаҳридаги "Саховат" уйидир. Шинамгина, тоза-озода бу жойда турли миллатга мансуб 151 нафар қария яшайди. Уларга қўлимиздан келганча хизмат қиламиз, кўнгилларига қараймиз. Отахону онахонлар ҳам бу ердаги шарт-шароитдан мамнун.

Тамара Нодирова исмли онахон бор. У киши ҳар доим ҳукуматимизнинг ғамхўрликларидан миннатдор бўлиб гапириб юрадилар. «Ҳаётим шу азиз замин билан боғланган, — дейди у киши. — Кексайганда кўчада қолмадим. Ҳукумат ўз қарамоғига олди. Бу ерда ирқ, миллат ажратилмайди. Бир-биримизни жуда қадрлаймиз.

Ҳа, онахон ҳақ. Дарҳақиқат, инсон ёши улғайгани сайин кўнгли нозик бўлиб қолади. Бир оғиз ширин сўзга илҳақлик сезади. Кўнгли тинчлик, осойишталик, хотиржамликни тусайди. Бу ерда шунга амал қилинади. Ахир, қариялларга, айниқса, якка-ёлғизларга ғамхўрлик кўрсатган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди. Савобнинг улуғи кўнгли яримлар корига яраётганларга тегади. Президентимизнинг 2007 йилни "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиши замирида ана шундай эзгулик мужассам.

Бу йил эзгу мақсадлар учун «Саховат» уйига бюджет маблағларидан 150 миллион, ҳомийлар томонидан 75 миллион сўм йўналтирилиши назарда тутилган. Яратилган шароит ҳақида гап кетганда, 170 ўринли ошхона, ҳаммом, маиший уйлар, икки гектарлик ёрдамчи хўжалик, мўъжазгина мевали боғ кексалар ихтиёрида эканлигини таъкидлаш керак.

Умуман, бу ерга келганларга эътибор катта. Кийим-кечаклари ҳамиша тоза, оҳорли. Қўлларини совуқ сувга урдирмасликка ҳаракат қиламиз. Ҳаммалари ака-ука, опа-сингилдек бўлиб қолган азиз онахону отахонларнинг дуоларини олиш бизга насиб этганидан бахтиёрман. Шодлигу қувончташвишлари ҳам муштарак инсонларнинг дуолари, ниятлари ижобат бўлади, дейишади. Меҳрни, ҳурматни, қадрни шу ердан топганларнинг ҳар бирини йилда икки марта мукаммал тиббий кўрикдан ўтказамиз. Эртаю кеч шифокорлар хизматида. Айтинг, қарияларга бундай қаров, эътибор яна қайси юртда бор?!

Мирзабек ҲОЖИҚЎЗИЕВ,
Андижон шаҳридаги «Саховат» уйи ходими.

Дил изҳори

Шоҳидахон САЛИМОВА, Фарғона тумани:

— Дадам урушга кетганида мен мурғаккина чақалоқ эканман. Кейин қайтиб келмадилар. Онам бошқа турмуш қилмади. Дадамнинг ҳажрида дунёдан жуда эрта ўтиб кетди. «Мотамсаро она» ҳайкали онамнинг қайғули дамлардаги ҳолатига жуда ўхшаб кетади. Менинг отам ҳам, онам ҳам Хотира майдонида. Улар билан суҳбатлашаман, дардлашаман. Имкон бўлганда набираларимни ҳам олиб келаман. Бундай дийдорлашишга имконият яратиб берган ҳукуматимизга ташаккур.

Иккинчи жаҳон уруши чоғида минглаб ўғлонлар қаторида қибрайлик Ғулом Каримов ҳам фашизмга қарши жангга отланди.

ЭЪТИБОРДАН БЕҲАД МАМНУНМАН



Қабиҳ ният, ғаразли мақсадни шиор қилиб олган манфур фашизм устидан қозонилган ғалабада, шакшубҳасиз, ўзбекистонликларнинг ҳам беқиёс ҳиссаси бор. Айни пайтда. 90 ёшни қарши олаётган Ғулом ота билан суҳбатлашсангиз, тинчлик бебаҳо неъмат эканлигига қайта-қайта иймон келтирасиз.

— Инсон умри давомида турли паст-баландликларга, машаққатларга дуч келади, — дейди у киши. — Аммо ҳар қандай қийинчилик қадрингга етилган дамда унутилади. Шахсан мен Президентимиз томонидан биздек фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибордан беҳад мамнунман. Чунки биз меҳр оғушидамиз. Фарзандларим, набира-абираларим даврасида ўтирганимда, бугунгидек дориломон кунларнинг қадрига етиш, мустақилликни асраш, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш лозимлигини бот-бот уқтираман. Зеро, инсон ўз юртида азиз ва мукаррам экан, демак, умргузаронлик қилаётган Ватани учун бор куч-ғайратини бериб меҳнат қилмоқ керак. Бундай шижоат, айниқса, ёшларимиз қалбида жўш урса, нур устига аъло нур бўлар эди...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТДА: Ғулом ота Каримов набиралари билан.

Шавкат ҚАҲҲОР олган сурат.

Факт ва рақамлар

■ **Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик 1,5 миллион киши қўлда қурол билан жангларда қатнашган.**

■ **Ўша йиллари Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли истиқомат қилган.**

■ **Уруш йиллари Ўзбекистонда 4 миллионга яқин киши фронт ортида жон олиб, жон берган.**

■ **Урушга кетган ҳамюртларимизнинг 400 мингдан ортиғи она юрт тупроғидан узоқларда қўним топган эди. Пойтахтимизнинг Хотира майдонидаги муҳташам лавҳаларда уларнинг исм-шарифлари мангуга муҳрланди.**

■ **Ғалабанинг 60 йиллиги арафасида уруш қатнашчилари ва ногиронларининг 111 мингдан зиёди "Жасорат", 170 минг нафари "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланди.**

■ **Бугунги кунда юртимизда 18 минг нафардан зиёд уруш қатнашчилари ва ногиронлари эл-юрт ардоғида умргузаронлик қилмоқда.**

ТАСВИРЛАРДА ВАТАН ЖАМОЛИ

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадиий кўргазма очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Хотира" мавзуидаги мазкур кўргазманинг очилишида уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Кўргазмадан таниқли мўйқалам соҳиблари билан бирга ҳаваскор мусаввирларнинг ҳам элликка яқин асари жой олган. Жумладан, А.Батиковнинг "Осойишта Ўзбекистон", А.Юнусовнинг "Баҳорий суҳбатлар", "Ҳаёт абадий" сингари асарларида буюк неъмат — тинчлик-осойишталикни сақлаш, Ватан ҳимояси, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ватанпарварлик билан боғлиқ туйғулар рангин бўёқларда ўз ифодасини топган. Истеъдодли мусаввир В.Зиёевнинг "Тўйчи Эрйигитовнинг жасорати", И.Баҳромовнинг "Оила. Уруш йиллари", Бахтиёр Маҳкамовнинг "Қорахат" каби асарлари Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига солган кулфатларга бағишланган. Ватан, халқ эрки ва озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтиром билдирилган.

Кўргазма 4 июнга қадар давом этади.

Ж.КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

КУТЛОВ

«ЕМЕК»

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Хотира ва қадрлаш кунида Ватан озодлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларга чуқур миннатдорчилик билдиради ва уларга саломатлик, бахт ва шодлик тилайди. Уйингизда доимо тинчлик, фаровонлик, чароғонлик бўлсин!

9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни



Хотира, қадр-қиммат ва эъзоз — халқимизга хос, миллий ўзлигимизга ҳамоҳанг гўзал туйғулардир. "Ишончим комилки, — деган эди давлатимиз раҳбари, — Хотира ва қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради. Унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади".

ОҚ ТОНГЛАР ЭПКИНИ

Дарвоқе, қалбнинг энг баланд чўққиси — хотира. Унга фақат эҳтиром, эъзоз ва беғуборлик йўлларидан ўтиб борилади. Хотираси бор кишини, хотиротни улуғлаган халқни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди. Хотира — ўтмиш билан келажак ўртасидаги мустаҳкам кўприк. Аждодлар ёдини сақлаш авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ушбу сатрларни қоғозга туширишимдан икки-уч кун аввал Хотира майдонида бўлиб, номлари мангуликка муҳрланганлар исми-шарифлари қаршисида ўйга толдим. Машъум уруш йилларида 1,5 миллион ўзбекистонлик қўлда қурол билан жанггоҳларга отланган эди. Уларнинг аксарияти ўзга юртлар тупроғидан қабр топди. Истиқлол шарофати билан уйғонган хотирамиз урушда ҳалок бўлганлар руҳига чексиз эҳтиромдир.

Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонини фахрийлар ўзларига кўрсатилган юксак эътибор ва қадр, деб биладилар. «Қадр» сўзи ҳам минг-минг йиллар давомида халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфасини англатиб келмоқда. Қадр бор жойда меҳр, оқибат, эзгулик барқарорлашади ва савоб ишлар амалга оширилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари шу кунларда жойларда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қизиқарли учрашувлар ҳамда йиғилишлар ўтказмоқдалар. Маърузаларда ўтганлар руҳини шод этиб, кексалар ҳурматини жойига қўйиш ва хусусан, ёшлар қалбида Ватанга, истиқлол ғояларига муҳаббат туйғуларини сингдириш алоҳида таъкидланмоқда.

Хотира ва қадр — буюк мақсадларга, оқ тонгларга чорловчи эпкин. Ҳар иккининг бағрида Озодлик, Эрк ва Ҳурлик нур сочиб турибди.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АРДОҚЛИ ЁШЛАР

Форум

Бугун ёшлар тарбияси, уларнинг мукаммал билим олишига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани маълум. Бунга биргина академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мисолида ҳам амин бўлиш мумкин. Боиси, ҳар йили фан олимпиадалари, санъат ва спорт соҳасида кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. "Сиз тарихни биласизми?", "Конституция — бахтимиз қомуси", "Барҳаёт анъаналар", "Ёш истеъмолчи", "Келажак овози" каби кўрик-танловларда ғолиб чиққан ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Яна шуниси эътирофга сазоворки, юртимиз миқёсида ўтказилган танловларда муваффақиятли қатнашган иқтидорли ўқувчиларимиз дунё ёшлари билан ҳам беллашиб, улар билан тенгма-тенг ўз билимларини намоён этмоқдалар.

Эришилган шундай ютуқларни ҳисобга олиб, 2006-2007 ўқув йилида юқори натижаларни қўлга киритган ўқувчилар муносиб рағбатлантирилди. Куни кеча муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтган байрам тадбири элликдан зиёд намунали ўқувчи ва ўқитувчилар учун тенгсиз совға бўлди, дейиш мумкин.

Анжуман Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, шунингдек, республика "Меҳр ва мурувват" фонди, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамда "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди. "Ёшлар — меҳримиз ардоғида" деб номланган форумда республика ва халқаро миқёсда таълим, спорт ва санъат йўналишларида ўз истеъдодини намоён этиб, юқори натижаларга эришган ўқувчилар ҳамда уларнинг устозлари турли номинациялар бўйича мукофотланишди.

— Бугунги рағбат, энг аввало, ўз билими ва шижоати билан намуна бўлган ўқувчилар ва уларга тўғри йўл кўрсатган жонкуяр устозлар учундир, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ш. Жавлонов. — Ана шу ютуқ соҳибларидан ўрнак олган ҳолда келажаги буюк юртимизнинг етук билимли фарзандлари сафи янада кенгаяверсин.

М. ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг
«Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 12 июнь куни соат 11.00 да

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент ш., Яккасарой тумани, «Бешчинор» к., 2-уйда жойлашган «Аль-Пари-Инвест» МЧЖ шаклидаги ҚКга тегишли қуйидаги мулкларни қўймоқда:

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатига асосан, икки қаватли ва ертўлага эга бўлган ишлаб чиқариш биноси. ***Бошланғич баҳоси — 323 980 000 сўм.***

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилидаги «Себзор» автотураргоҳида сақланаётган, давлат рақами 10АЕ707 бўлган ва 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия GLE» русумли автоулов. ***Бошланғич баҳоси — 6 514 516 сўм 62 тийин.***

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилидаги «Себзор» автотураргоҳида сақланаётган, давлат рақами 10АС706 бўлган ва 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия GLE» русумли автоулов. ***Бошланғич баҳоси — 8 197 621 сўм 26 тийин.***

Шунингдек, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган қуйидаги мулк қўйилади:

2007 йил 20 мартдаги 3680/7-сонли ижро ҳужжатига асосан, "YALPIZ» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 2-уй манзилидаги умумий майдони 347 кв.м.дан ташкил топган 1 қаватли савдо дўкони биноси.
Бошланғич баҳоси — 154 960 000 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-94.

Лицензия DB001-000010

Қисқа сатрларда

Авлодлар мероси

Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маъданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида "Авлодлар мероси" деб номланган семинар бўлиб ўтди. Асосий мақсад асрлардан асрларга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижодини асраб-авайлаш, фольклор жамоалари ишини жонлантириш ва келгуси авлодларга мерос қолдиришга амалий кўмаклашишдир. Тадбирда мутахассислар "Фольклорнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни", "Фольклор санъатининг занг ва қайроқ усуллари" сингари мавзуларида сўз юритдилар.

Яхшилар ёди

Жиззахлик ёшлар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақаси "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, халқ таълими аълочиси Оқил Умаров хотирасига бағишланди.

Учинчи бор ўтказилаётган ушбу турнирда нафақат вилоят туманларидан, балки қўшни Қозоғистондан ҳам спорт ихлосмандлари иштирок этди. Икки кун давом этган беллашувларда Ҳ. Носиров номидаги умумтаълим мактаби жамоасининг қўли баланд келди.

М. ТОЖИЕВА.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4х4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-65, 136-14-09, 154-66-98.
Факс (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хизматлар лицензияланган

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

«ҲИМОЯ» ҲАКАМЛИК ХЎЖАЛИК СУДИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

HIMOYA

- НИЗО ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАКАМНИ САЙЛАШ
- НИЗОЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА КЎРИБ ЧИҚИШ
- КАМАЙТИРИЛГАН СУД ҲАРАЖАТЛАРИ

Хизматлар лицензияланган

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72
БУХОРО: (365) 223-68-85, (365) 223-63-72
САМАРКАНД: (3662) 33-30-99.
НАВОИЙ: (590) 730-99-80, (436) 227-83-44.

WWW.HIMOYA.UZ WWW.HIMOYA-SUD.UZ E-mail: HIMOYA@LIST.RU

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalq_suzi@rambler.ru

Фахр

Бундан йигирма уч йил илгари рўй берган бир воқеа ҳали-ҳануз ёдимдан кўтарилмайди. Фиждувон шаҳридаги бош автобекатда уч тенгқур гурунглашиб турган эдик. Икки нуроний отахон бизга яқинлашди. Уларнинг бу ерлик эмасликлари шундоқ сезилиб турарди. "Абдухолиқ Фиждувоний ҳазратлари зиёратгоҳига бормоқчимиз. Қандай борсак экан?" — сўради улардан бири.



ИККИ ДУНЁ САОДАТИ

Учовлон бир лаҳза иккиланиб турдик. Сабаби, Фиждувоний ҳазратларининг ўзи кимлигини билмас эдик.

Ҳа, ўша йилларда нафақат биз, балки минглаб ёшлар, бутун бошли авлод Абдухолиқ Фиждувоний кимлигини деярли эшитмаган, бу улуғ зотнинг инсонни илму ҳунар эгаллашга, маърифатга чорловчи таълимотидан бехабар эди. Шўро мафкураси бу таълимотни инкор этган, бадном қилган, уни одамлар онги-шууридан чиқариб ташлаш пайида ҳар қандай чорадан тоймаганди.

— Ёшлигим зиёратгоҳнинг шундоқ ёнбошидаги маҳаллада ўтган, — дея эслайди уч қизни тарбиялаб вояга етказган Нозима опа Ҳусенова. — Чиндан ҳам, илгари бу ер ташландиқ, хароб ҳолга келиб қолганди. Зиёратгоҳнинг бир четида "Домбыт" деган идоранинг кирхонаси бўлганини яхши эслайман. Ҳозир Абдухолиқ Фиждувоний ҳикматларини ўқиб ёд олаётган, у киши ҳаётига оид иншолар битаётган невараларимга, жажжи ўғил-қизларга боқиб, дил яйрайди. Минг қатла шукурки, дориломон кунларни кўриш насиб этди.

Шу мазмундаги фикрларни қайта таъмирдан чиқарилган, зиёратчилар билан гавжум Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоси, маҳобатли Чорбакр мажмуаси, Сайфиддин Боҳарзий, Хўжа Исмат Бухорий зиёратгоҳларида бўлганингизда ҳам, эшитишингиз тайин. Яқинда эса яна бир савоб ишга қўл урилди. Когон туманидаги улуғ пир Саййид Мир Кулол мақбараси қайта қурилиб, обод зиёратгоҳга айлантирилмоқда.

— Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг оқилона сиёсатлари шарофатидан, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи кекса инсон Ҳожиқурбон Ҳайитов. — Бундай савоб ишларни кўриб, четда туриш мумкин эмас. Қалбим амри билан «Шайхули олам» масжиди қошидаги Фатҳобод боғига чиқиб, кўз кўрса қувонгулик гулзорлар барпо қилдим.

Отахон ҳақ. Бухорода мустақиллик йилларида қирқдан зиёд қадимий ёдгорликлар, меъморий мажмуалар тубдан таъмирланди. Бугун қўҳна Арк қалъаси, Исмоил Сомоний мақбараси, Калон масжиди, сўлим Лабиҳовуз мажмуаси ва бошқа қадимий обидаларни ҳайрат билан томоша қилиб, аждодларимиз ақлзаковатига лол қолаётган хорижлик сайёҳларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

ЮНЕСКОнинг 1993 йил 11 декабрдаги қарорига кўра, қўҳна Бухоро Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Бу қай бир маънода, ҳозирги авлоднинг ўтмиш қадриятларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатига берилган баҳо ҳамдир.

Айтиш жоизки, вилоятда ёдгорликлар муҳофазаси доимий эътиборда. Чунончи, уларни таъмирлаш ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унда энг чекка ҳудудлардаги тарихий обидалар ҳам назардан четда қолгани йўқ. Дейлик, айни кунларда Қоровулбозордаги қўҳна сардобага қайта ҳаёт бағишлаб, бу ерда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти, боғ ҳам барпо этилмоқда.

— Бухорода маданий мерос иншоотлари саналган ансамбль, қўрғон, шаҳристон ва диққатга сазовор бошқа жойлар бениҳоя кўп, — дейди маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш вилоят инспекцияси бошлиғи Туйғун Бобоев. — Уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг бурчимиз. Президентимиз айтганларидек, эзгу ишлар халқимизни жипслаштиради, юртимизга файзу тароват бағишлайди.

Дарҳақиқат, шундай. Юртимиздаги осори-атиқаларни қанча асраб-авайласак, буюк аждодларимиз мангу қўним топган қадамжоларни қанча эъзозласак, шунча яхши. Чин ихлос ва эътиқодда мустаҳкам бўлмоқ орзулар ушалишининг, икки дунё саодатининг калитидир.

Истам ИБРОҲИМОВ.

ГЎЗАЛ ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши пойтахтимизнинг С. Раҳимов туманидаги «Тахтапул» маҳалласи билан ҳамкорликда "Миллий қадриятлар эл эъзозида" мавзуида тадбир ўтказди. Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу анжуманга уруш ва меҳнат фахрийлари, тақдир тақозоси сабаб хорижда умргузаронлик қилаётган ватандошлар таклиф этилди.

— Мен умрим давомида кўп мамлакатларда бўлдим, — дейди туркиялик ёзувчи Собир Сайхон. — Бироқ Ватаним Ўзбекистончалик жаннатмонанд юртни кўрмадим. Бу гўзал юртга байрамлар яраша.

М. ТОЖИБОЕВА.

Голибларга совғалар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларни эъзозлаш мақсадида "Бахтимиз қомуси" танловини эълон қилган эди.

Унда жамиятимиз гултожи бўлган аёлларнинг фаолияти, Ватан равнақи йўлида олиб бораётган ишлари матбуотда эълон қилиниши қайд этилганди.Куни кеча "Бахтимиз қомуси" танлови якунланиб, ғолиблар аниқланди. Унга кўра, "Энг яхши мақола", "Энг яхши фоторепортаж", "Энг яхши радиоэшиттириш", "Энг яхши телекўрсатув" номинациялари бўйича ғолиблар эълон қилинди. Тадбир давомида қўмита қошида ташкил этилган "Ёш журналистлар" клубининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Маҳфуза ТИЛЛАЕВА,
клуб аъзоси.

Тажрибага омухта таълим

Дўстлик туманидаги касб-ҳунар коллежида ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Хорижда ишлаб чиқарилган замонавий техника ва технологиялар ўқувчиларнинг ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Яқинда коллежда инкубатория фаолият кўрсата бошлади. Бўлажак мутахассислар бу ерда аҳоли ва фермер хўжаликлари учун жўжалар етказиб беришни йўлга қўйди. Италиянинг "Дидакта" компаниясидан келтирилган кичик цехда эса, ўқувчилар мева-сабзавот шарбати ишлаб чиқаришади.

Ўз мухбиримиз.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

Мамлакатимизда теннисни оммавийлаштиришда Андижонда анъанавий ўтказиб келинаётган "Фьючерс" халқаро турнирининг алоҳида ўрни бор.

АНДИЖОНДА

«ФЬЮЧЕРС» ТУРНИРИ

■ Ушбу мусобақа мамлакатимиз ёш теннисчилари учун маҳорат мактаби ролини ўтамоқда. Ташкилотчилар бу йилги мусобақани юқори савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўришди.

Куни кеча старт олган навбатдаги турнирда Россия, Украина, Беларусь, АҚШ, Франция, Италия, Буюк Британия, Хорватия, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон каби ўндан ортиқ мамлакатлардан келган ракетка усталари иштирок этмоқда.

Мусобақада Денис Истомин, Сарвар Икромов, Мурод Иноятов сингари халқаро турнирларда тажриба орттирган теннисчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Ўсмирлар кортга чиқди

Фарғона вилояти ҳокими соврини учун 13-бор ўсмирлар ўртасида ўтказилган очиқ турнир мамлакатимиз теннисининг эртанги эгаларини синовдан ўтказди.

■ Унда 100 нафардан ортиқ навқирон ракетка усталари иштирок этганлиги ҳам турнирнинг нуфузи ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Мусобақада мезбонлардан ташқари, Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистондан ҳам теннисчилар иштирок этди.

Турнир олти гуруҳда ўтказилди. Гуруҳларнинг тенг ярми — яъни учтасида мезбонлар Артём Арустамян ҳамда опа-ука Сарвиноз ва Муҳаммадризо Саидҳўжаевлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғонада бокс бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати муросасиз курашларга бой бўлди. Сабаби, мусобақа ғолиблари мамлакат терма жамоасига қабул қилинарди. Унда 250 нафардан ортиқ "чарм қўлқоп" усталари рингга чиқдилар.

БОКСЧИЛАР ФАРҒОНАДА БЕЛЛАШДИ

■ Чемпионатда Шараф Ҳусанов, Баҳодир Мамажонов (Фарғона), Олим Назаров, Зокир Ортиқов (Тошкент ш.), Рустам Саидов (Тошкент вил.), Акмал Қодиров, Беҳзод Юнусов (Андижон), Орзубек Шоимов (Сирдарё), Аббос Атоев (Бухоро), Баҳром Хидиров, Абдуғафур Умаров (Жиззах)лар ўз вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритдилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Италиядаги муваффақият

Енгил атлетикачимиз Виталий Смирнов янги мавсумдаги илк ғалабасига эришди.

■ У Италиянинг Десензао шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли халқаро турнирнинг кўпкураш баҳсларида 7825 очко жамғариб, кумуш медал билан тақдирланди. Аҳамиятлиси Виталий Смирнов ўзбекистонлик спортчилар ичида биринчи бўлиб Пекин Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.Америкалик Пол Терек биринчи, россиялик Аркадий Васильев эса учинчи ўринни эгаллади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

МАДАНИЯТ хабарлари

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг республика танлови якунланди.

Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги йўналишида ўтказилган ушбу танловда вилоят босқичлари ғолиблари бўлган 134 нафар ўқувчи иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан Н. Муҳаммедова, А. Пак, М. Тўлаганов, Д. Маяков, Б. Позилов, С. Исаев сингари йигирмадан зиёд ёш истеъдод соҳиблари танлов ғолиби, деб эътироф этилди ҳамда республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Биринчи ўринни эгаллаган ёшлар ўз йўналишлари бўйича коллеж ва лицейларга имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

«ЎЖАРЛАР» САҲНАДА

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театрида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмоновнинг "Ўжарлар" мусиқали комедияси томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Асардаги бош ролларни Қорақалпоғистон халқ артисти Ж. Султабоев, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Б. Назаримбетов, Е. Сакеев, артистлар С. Давлетова, Б. Муратова ва бошқалар ижро этишган.

«НИҲОЛ» БАРГ ЁЗМОҚДА

Сирдарёлик санъат ихлосмандлари "Ниҳол"ни яхши билишади. Бундан беш йил муқаддам Мирзаобод туманида ташкил этилган ушбу фольклор-этнографик дастаси вилоятдаги барча тадбирларда фаол иштирок этади.

А. Александрова бош бўлган ушбу даста нафақат ўзбек, балки қардош халқлар қўшиқ ва лапарларининг, айтишувларининг моҳир ижрочиси ва тарғиботчиси ҳамдир. Даста қисқа давр оралиғида "Ўзбекистон – умумий уйимиз" фестивали ва "Янги авлод" танловининг ғолиби бўлди.

Хабарларни М. ХОЛМАТОВА ва М. КАРИМОВА тайёрлашди.

Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

Қашқадарё вилоятидаги ўлкани ўрганиш музейининг кўргазмалар залида маҳаллий рассомлар асарлари намойиш этилди.

Кўнгилдан кўчган жилолар

Кўргазмадан ўрин олган юзга яқин асарлар орасида тажрибали мусаввирлар билан бир қаторда ёш истеъдод соҳибларининг ҳам ижод намуналари бор.

— Бу кўргазма тасвирий санъат асарларини тарғиб қилиш, рассомларнинг ижодий мулоқотларини, ўзаро тажриба алмашишини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рассом Садриддин Салимов. — Ёш мусаввир З. Аҳмедовнинг тарихий мавзуидаги, А. Ҳақназаровнинг «Оқсув», И. Неъматовнинг «Гилонда куз» каби асарларида изланиш, иқтидор сезилиб турибди. Бу асарлардан кўчма кўргазма ташкил қилиб, шаҳар ва туманларда намойиш этилса янада фойдали бўлади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.55 1 3456